

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВ АЛИШЕР КАРИМДЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЎСИМЛИКЛАР
ИНТРОДУКЦИЯСИНИНГ ФИЗИОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ
АСОСЛАРИ**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of abstract of doctoral (DSc) dissertation

Сафаров Алишер Каримджанович

Ўзбекистонда янги истиқболли ўсимликлар интродукциясининг
физиологик ва биокимёвий асослари..... 3

Сафаров Алишер Каримджанович

Физиолого-биохимические основы интродукции перспективных
растений в Узбекистане..... 29

Safarov Alisher Karimdjanovich

Physiological and biochemical fundamentals of the introduction of
promising plants in Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВ АЛИШЕР КАРИМДЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЎСИМЛИКЛАР
ИНТРОДУКЦИЯСИНИНГ ФИЗИОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ
АСОСЛАРИ**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/B18 рақамида рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ва ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ташмухамедов Бекжан Айбекович

биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Кушанов Фахриддин Нёматуллаевич

биология фанлари доктори, профессор

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич

биология фанлари доктори, профессор

Ўроқов Сирожиддин Худайбердиевич

биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc. 02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг мажлислар зали. Телефон: (+99871)264-23-90, факс (+99871)264-23-90. E-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsci.net, gen@inst.gov.uz

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз а/б. Тел: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «.....»..... куни тарқатилди
(2021 йил «.....»..... даги рақамли реестр баённомаси)

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ./х.ф.д., профессор

Б.Х. Аманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д.

С.М. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ўсимлик ресурсларидан фойдаланиш сезиларли даражада ошиб бормокда. Замонавий қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа соҳаларни турли маҳсулотлар билан таъминлаш учун ўсимлик хом-ашёси етиштиради. Шу жиҳатдан, маҳсулдорлиги ва озуқавийлиги анъанавий турлардан қолишмайдиган, ҳаттоки улардан устун бўлган янги ва ноанъанавий ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилиш бир қанча агроэкологик муаммоларни муваффақиятли ечишда илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ўсимликлар генофондидан фойдаланиш муаммоси, айниқса агроценозларнинг экологик барқарорлиги ва юқори маҳсулдорлигини таъминлашдаги биологик хилма-хилликнинг роли бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, янги ўсимликларни етиштиришнинг хусусиятлари ва интродукцияси бўйича амарант, топинамбур, соя, тарик, нуг ва бошқа ўсимликлар генофонди коллекцияларини яратиш, истиқболли турларнинг қимматли белгиларини аниқлаш, бир қатор навларини яратиш, етиштиришнинг минтақавий технологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ-иқлим шароитларига мослашган интродуцентларни танлаш, ўсимликларнинг физиологик-биокимёвий хусусиятларини асослаш орқали етиштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, улар хом-ашёсидан тизимли фойдаланишнинг йўллари яратиш, истиқболли ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини аниқлаш, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини асослаш ҳамда уларни етиштиришнинг экологик хавфсиз технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда техник, озиқабоп, ем-хашак ва доривор аҳамиятга эга ўсимликларнинг янги қимматли турларини кўниктиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, истиқболли турларнинг янги навлари яратилди, агроиқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда хом-ашёбоп турларини республика ҳудудлари бўйича жойлаштириш йўлга қўйилмоқда, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган интродуцентларни амалиётга қўллаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...чорвачиликнинг ем-хашак базасини яратиш, экин майдонларини келгусида оптимизациялаш, ем-хашак ишлаб чиқарилишини ошириш, уруғчиликни яратиш ва ривожлантириш, чорвачиликни сифатли ем-хашак билан таъминлаш, шунингдек... замонавий ресурс тежамкор технологияларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишига кенг жорий қилиш"¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, истиқболли ўсимликларни танлаш, уларнинг биоэкологик ва физиологик-биокимёвий хусусиятларини аниқлаш, маҳаллий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган интродуцентларни амалиётга жорий қилиш долзарб ва зарурий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишнинг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Истикболли ўсимликларнинг интродукцияси, уларнинг муҳит омилларига чидамлилиги механизмларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Родал тадқиқот маркази, Техас университети (АҚШ), Федерал университет ва Биология институти (Бразилия), Ботаника институти (Хитой), Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот маркази ва Андрха Прадеш университети (Ҳиндистон), Миллий техника университети (Мексика), Подшоҳ Абдул Азиз университети (Саудия Арабистони), Миллий университет (Аргентина), Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси институти (Хитой), Симон Боливар университети (Венесуэла), Жешува университети (Польша), Ботаника институти (Чехия), Аделаида университети (Австралия), Адис-Абеба университети (Эфиопия), Исфахан университети (Эрон), Бутунроссия ўсимликшунослик институти, Санкт-Петербург ва Қозон университетлари (Россия), Москва қишлоқ хўжалиги, Кубан, Олтой, Гори аграр академиялари, Ўзбекистон Миллий университетиде олиб борилмоқда.

Янги ўсимликларни етиштиришнинг хусусиятлари ва интродукциясига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ноанъанавий ўсимлик турларининг генетик коллекциялари яратилган (Родал тадқиқот маркази, АҚШ; Ўсимликлар генетик ресурслари институти, Россия); турли тупроқ-иқлим шароитларида африка тариғи, кроталария, нуг, қашқарбеда, қанд жўхори, топинамбур, соя истикболли навлари физиологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг ўзгарувчанлик хусусиятлари баҳоланган (Техас университети, АҚШ; Ботаника институти, Хитой); географик минтақалар хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда нуг, қашқарбеда, қанд жўхори, Колумб ўти ва бошқа ўсимликларнинг стрессга чидамлилиги аниқланган (Жешува

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.nass.usda.gov>, <http://gfar.net>, <http://www.fao.org>, <https://www.ars.usda.gov>, <http://www.arc.sci.eg>, <https://www.vir.nw.ru>, <https://www.ufrj.br> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилди.

университети, Польша; Ботаника институти, Чехия); истиқболли ем-хашак, доривор ва озуқабоп ноанъанавий турларни етиштиришнинг самарадор технологиялари ишлаб чиқилган (Аргентина Миллий университети, Аргентина); истиқболли турлар фойдали белгиларининг генетик хариталари яратилган (Ҳиндистон кишлок хўжалиги илмий-тадқиқот маркази, Ҳиндистон).

Дунёда истиқболли ўсимликларни амалиётга жадал киритиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодиёт тармоқларида кенг фойдаланиш имкониятига эга турлардаги муҳим хўжалик белгиларини аниқлаш; трансген истиқболли турлар яратиш усулларини такомиллаштириш; ноанъанавий экинларнинг турли хил тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришнинг адаптив технологияларини ишлаб чиқиш, серхосил, турли стресс омилларга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ҳамда интродукцион диапазонни кенг янги навлар ва дурагайларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интродуцентларнинг биоэкологик, физиологик-биокимёвий хусусиятлари ва фойдаланиш истиқболлари Downton (1973), Kauffman, Haas (1982), Kulkarni, Chittapur (2003), Costed, Tardif (2003), Halvorson et al. (2003), Loonat et al. (2003), Zhu, Fox (2003), Hussey et al. (2007), Saski et al. (2007), Egli (2008), Wang et al. (2008, 2013), Zhao et al. (2008), Xiao-Hual Ong (2010), Yadav (2010), Barnwal et al. (2011), Singh (2014), Puangbut et al. (2015, 2017), Soha et al. (2015), Toppec Хавьер (2015), Negawo et al. (2017), Amanda et al. (2018), Fontana et al. (2018), Yaradua et al. (2018), Sowa et al. (2019) каби чет эл олимларининг ишларида ёритилган. МДХ мамлакатларида ўрганилган ўсимликлар интродукцияси бўйича изланишларнинг натижалари Магомедов ва б. (1992, 2001, 2015, 2016), Чернов (1992), Волкова (2003), Гинс (2005), Мирошниченко (2008), Хадикова (2009), Асинская (2008), Савин (2008), Дронов (2007), Кадыров ва б. (2008), Федотов ва б. (2011, 2015), Толмачева (2015) Усанова, Павлов (2016), Пашкевич ва б. (2017) ишларида келтирилган. Республикамизда олиб борилган тадқиқотларда ўрганилаётган интродуцентларнинг биологик хусусиятлари, ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлиги (Сафаров, Магомедов, 1992), тупроқ шўрланиши таъсири (Рахимова, 2008; Аннамурадова, 2010) ҳамда уларни етиштириш агротехнологияси (Бегдуллаева, 2009, 2007; Мавлянова, 2013; Останоккулов, Элмурадов, 2013; Турсунова, 2019; Жангабаева, 2019) ўрганилган.

Бироқ кўниктирилаётган ўсимликларнинг физиологик ва биокимёвий хусусиятлари, уларни етиштиришнинг адаптив технологиялари, уруғларнинг экинбоплик сифати ҳамда ноқулай омилларга чидамлилигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига

мувофиқ №49/96 “Етиштириш шароитларига боғлиқ ҳолда амарантнинг турли турлари ва дурагайларида юқори маҳсулдорликнинг физиологик-биокимёвий асосларини тадқиқ қилиш” (1996-1997), №2.5.2.3 “Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитларига кўниктирилган истиқболли, юқори маҳсулдор, зараркунандалар таъсири, касалликларга чидамли ўсимлик навларини ўрганиш” (2000-2002), №П-17.19 “Янги ва ноанъанавий қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг физиологик-биокимёвий хусусиятларини ўрганиш ва уларни Хоразм воҳасининг тупроқ-иқлим шароитларига кўниктириш” (2003-2005), №А-7-214 “Жанубий Оролбўйи шўрланган тупроқларида тузга чидамли қишлоқ хўжалиги экинлари интродукцияси” (2006-2008), №ФА-А9-Т002 “Шўрланиш шароитларида истиқболли доривор, озиқ-овқат ва ем-хашак ўсимликларини биомелиоратив ва морфофизиологик баҳолаш, танлаш ва етиштиришнинг технологияларини ишлаб чиқиш” (2009-2012) мавзуларидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интродукция шароитида истиқболли доривор, озиқ-овқат ва ем-хашак ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиш суръатлари, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини аниқлаш, уларни етиштиришнинг экологик хавфсиз технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрганилаётган ўсимлик уруғларининг лаборатория ва дала шароитларидаги унувчанлигини аниқлаш;

ўсимликлар ўсиш суръатларини онтогенезнинг турли даврларида, ривожланиш босқичларининг давомийлиги, биоэкологик ва морфофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

сув алмашинувининг асосий кўрсаткичлари – сув миқдори, транспирация жадаллиги, сув сақлаш хусусияти ва сув танқислигини ўрганиш;

фотосинтезнинг соф маҳсулдорлигини аниқлаш;

яшил масса ва уруғларнинг ҳосилдорлигини аниқлаш;

интродуцентларнинг биомассаси ва уруғларининг биокимёвий таҳлили;

интродуцентлар (яшил масса ва уруғлари)ни етиштиришнинг минтақавий хусусиятлари ва улардан оқилона фойдаланишнинг йўлларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида амарантнинг ҳар хил турлари, африка тариғи, оқ қашқарбеда, нуг, хашаки нўхат, кроталария, соя, канд жўхори, топинамбур ва Колумб ўти ўсимликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштирилаётган истиқболли ем-хашак, озиқ-овқат ва доривор ўсимликларнинг биоэкологик ва физиологик-биокимёвий хусусиятларининг таҳлили ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тадқиқотнинг адекват морфологик, фенологик, физиологик, биокимёвий ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор амарант, африка тариғи, кроталария, нуг, хашаки нўхат, кашқарбеда, қанд жўхори ва Колумб ўтининг турли тупроқ-иқлим шароитларида кўниктириш имкониятлари аниқланган;

ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллиги ҳамда ҳосилдорлиги генотипнинг турли хил ўстириш шароитларида намоён бўлиши билан боғлиқлиги исботланган;

ўсимликларнинг сув миқдори, транспирация жадаллиги, сув сақлаш хусусияти ва сув танқислигига кўра гуруҳлари асосланган;

ўсимликларнинг биологик маҳсулдорлиги ва сув режимининг ҳаракатчанлик даражаси орасида ўзаро ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

интродуцентларнинг юқори ҳосилли турларига (амарант, Колумб ўти, топинамбур, соя, қанд жўхори, кроталария) сув режимининг мўътадил ва лабил типли хослиги аниқланган;

минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ равишда фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги ва турлар ҳосилдорлигини ошиши аниқланган;

ўсимликларнинг яшил массаси ва уруғларининг биокимёвий таркиби очиқ берилган ва уларнинг муҳим фарқлари генотип ҳамда етиштириш шароитлари билан боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришга имкон яратадиган истиқболли ноанъанавий ўсимлик турлари аниқланган ва республика тупроқ-иқлим шароитига кўра уларни жойлаштириш йўллари ишлаб чиқилган;

юқори сифатли маҳсулот олишни таъминлайдиган кўниктирилаётган ўсимликларни етиштиришнинг адаптив технологиялари (экишнинг оптимал муддатлари, усуллари ва меъёрлари, суғориш ҳамда озиклантириш усуллари) асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўп йиллик изланишлардаги ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилиши, услубий аниқлиги, иш жараёнида тадқиқотларнинг классик ва замонавий усулларида фойдаланилганлиги, назарий ва амалий натижалар ҳамда хулосаларнинг таҳлил натижалари билан мослиги, статистик таҳлил қилинганлиги, илмий натижаларнинг халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги, уларнинг етакчи маҳаллий илмий журналларда ва импакт фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти истиқболли ноанъанавий ўсимликларнинг турли экологик шароитларга кўниктирилиши, кўниктирилаётган ўсимликларнинг физиологик ва биокимёвий хусусиятларининг аниқланиши, ўрганилган ўсимликларни етиштиришнинг адаптив технологиялари элементларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озик-овқат маҳсулотлари, ем-хашак ва доривор препаратларни ишлаб чиқариш учун юқори сифатли

ўсимлик хом-ашёси ишлаб чиқарилишини кўпайтиришга ёрдам берадиган кўниктирилаётган ўсимликларни етиштиришнинг минтақавий агротехнологиялари усуллари яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамизда янги истиқболли ўсимликлар интродукциясининг физиологик ва биокимёвий асосларини таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юқори сифатли маҳсулот олишни таъминлайдиган 10 тур ўсимликларни етиштиришнинг адаптив технологиялари Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Чимбой ва Кегейли туманларидаги фермер хўжаликларида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 сентябрдаги 02/011-2025-сон маълумотномаси). Натижада, интродуцент ўсимликларнинг яшил масса ва уруғ ҳосилдорлигини ошириш имконини берган;

ўсимликлар Хоразм вилоятининг Хива туманида ва Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани фермер хўжаликлари ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги “AGROBIOHOLDING” ОАЖ да амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 02/027-3442-сон маълумотномаси). Натижада, чорвачиликни тўйимли ем-хашак, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун сифатли хом-ашё етиштириш имконини берган;

республика тупроқ-иқлим шароитига кўра юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришга имкон яратадиган турларни жойлаштириш йўллари №ПЗ-2017092435 "Хоразм вилояти шароитида доривор ўсимликларни ўстириш ва улар асосида биологик фаол кўшимчалар ишлаб чиқиш" мавзусидаги амалий лойиҳасида вилоят тупроқ-иқлим шароитида интродуцентларни етиштиришда фойдаланилган (Хоразм Маъмун академиясининг 2021 йил 9 сентябр 264/1-21-сон маълумотномаси). Натижада, қашқарбеда, амарант, нуг ва кроталария ўсимликларини дориворликда, тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ва чорвачиликда фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 халқаро ва 24 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 62 илмий иш чоп этилган. Улардан 10 мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, яъни 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, объектлари ва предмети келтирилган. Мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимликлар интродукцияси: муаммолар ва истикболлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи боби диссертация мавзуси бўйича юртимиз ва хориж ий олимлар илмий ишларининг таҳлиliga бағишланган. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ем-хашак ва доривор моддаларни ишлаб чиқаришнинг муҳим манбаи сифатида ўсимликлар интродукцияси бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек, янги ва ноанъанавий ўсимликларни кўниктириш муаммолари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг объекти ва усуллари, тажрибалар олиб боришнинг шароитлари”** мавзусидаги иккинчи бобида тажриба майдонларининг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқотнинг объектлари ва усуллари, тажрибалар ўтказишнинг шароитлари келтирилган. Тадқиқотлар объекти сифатида кўп мақсадларда фойдаланиладиган энг истикболли ўсимликлардан 10 таси: амарант, африка тариғи, оқ қашқарбеда, нуг, нўхат, кроталария, қанд жўхори, соя, топинамбур ва Колумб ўти танланган. Тадқиқот объектларининг биоэкологик хусусиятлари тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Турли тупроқ-иқлим шароитларида интродуцентларнинг биоэкологик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида ўрганилган ўсимликлар уруғларининг унувчанлиги ва ривожланиш фазаларининг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ўрганилган ўсимликларнинг (хашаки нўхат ва қанд жўхоридан ташқари) уруғлари 10°C ҳароратда ҳар хил жадалликда уна бошлайди. Ҳароратнинг кўтарилиши билан уруғларнинг униш суръатлари ҳам ортади. Ўрганилган ўсимлик турлари уруғларининг униши учун оптимал ҳарорат – 25-30°C бўлиб, ҳароратнинг кейинги кўтарилиши уруғларнинг унишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг билан қулай шароитларда ниҳоллар экишдан 2-3 кун ўтиб, паст ҳарорат ва сувнинг етишмаслигида эса орадан 10-15 кун ўтиб пайдо бўлади.

Уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги доимо лаборатория шароитидагидан 12-15 % га кам бўлади. Бунинг сабаблари турлича ва экологик, агротехник ҳамда физиологик омилларга боғлиқ бўлади.

Ўрганилган ўсимликларнинг уруғлари сақланишнинг оптимал шароитларида ҳаётчанлигини сақлаш хусусиятига кўра фарқланади. Жумладан, уч йил сақланган Колумб ўти уруғларининг унувчанлиги 15 % га, оқ қашқарбеда, соя ва хашаки нўхатнинг унувчанлиги 10 % га, қолган

Ўсимликларда эса 4-5 % га камаяди. Сақлаш муддатини янада узайтириш уларнинг унувчанлигини кескин камайишига олиб келади; 6 йил сақлангандан кейин қанд жўхори, нут, кротальярия, амарант ва африка тариғи унувчанликнинг нисбатан юқори хусусияти билан ажралиб туради. Шу сабабли ўрганилган ўсимликларни экишда уч йилдан кўп муддат сақланмаган уруғлардан фойдаланиш керак ёки уларнинг экиш меъёрини ошириш зарур.

Ривожланишни алоҳида фазаларининг ўтиши генотип ва етиштириш шароитларига боғлиқ бўлади. Бунда ташқи шароитлар муайян ўсимликнинг ҳар бир фазасининг ва шу билан бирга бутун вегетацион давр давомийлигига таъсир кўрсатади.

Ўсимликлар вегетациясининг барча фазаларини ўтиш давомийлиги етиштириш йилларига қараб бир хил эмаслиги, яъни агроиқлим шароитларига боғлиқ эканлиги аниқланди. Шунингдек, ўрганилган ўсимликларни ўртача кунлик ўсиши ривожланишнинг охирги босқичларида бошланғич босқичларга қараганда ортиш тенденцияси аниқланган, бу эса юқори ҳароратнинг ва кучайган фотосинтетик фаол радиация ва бошқ. таъсирида бўлади.

Оқ қашқарбеда, амарантнинг хашаки турлари, африка тариғи, Колумб ўти – юқори, кротальярия, қанд жўхори эса камроқ даражада тупланиши кузатилди. Турлича экологик шароитларда ўрганилган ўсимликларнинг ривожланиш фазаларини ўтиши суръатларидаги аниқланган фарқлар етиштирилаётган жойларни тупроқ-иқлим шароитларининг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг **“Интродуцентлар маҳсулдорлигининг физиологик-биокимёвий асослари”** мавзусидаги тўртинчи бобида сув алмашинуви хусусиятлари ва минерал ўғитларни ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига, шунингдек фотосинтезнинг соф маҳсулдорлигига таъсирини ўрганишнинг натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими турли экологик шароитларда ўрганилган ўсимликларнинг сув миқдори, транспирация, сув сақлаш хусусияти ва сув танқислигини кўриб чиқишга бағишланган.


Турли экологик шароитларда етиштирилган амарант турларида сув алмашинуви кўрсаткичлари сезиларли фарқ қилади: Хоразм Маъмун академиясининг тупроқ-иқлим шароитларида ўстирилган амарант турларида Тошкент шароитида етиштирилган турларга қараганда, баргларнинг сувга тўйинганлиги пастлиги, транспирация жадаллигининг катта диапазони ва сув сақлаш хусусиятининг юқорилиги кузатилган.

Шундай қилиб, амарантнинг ўрганилган турлари учун сув алмашинувининг мўътадил лабил типи хосдир. Улар сув йўқотишнинг нисбатан паст тезлиги, юқори сув сақлаш хусусияти ва паст сув танқислиги билан тавсифланади.

Африка тариғининг баргларида сувнинг энг кўп миқдори (90,4 %, май), бошоқлаш фазасида кузатилган, ўсимликларнинг ривожланиши билан камайиб борган – найчалаш фазасида – 87,6 %, гуллашида - 82,1 %,

уруғларнинг шаклланишида – 80,9 % бўлган. Гуллаш даврида транспирация жадаллиги кескин ортган ва вегетация охирига келиб камайган. Африка тарихи сувни жудаям эҳтиётлаб сарфлайди. Сув танқислиги ва сув сақлаш хусусиятининг мавсумий диапазони паст кўрсаткичлари буни яққол исботлайди.

Турли экологик шароитларда етиштирилган оқ қашқарбеда баргларида вегетация давомида сув миқдорини аниқлаш натижалари 1-диаграммада келтирилган.



1-диаграмма. Турли экологик шароитларда қашқарбеда баргидаги сув миқдори (ЎзМУ ботаника боғи ва Хоразм Маъмун академияси).

Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, Тошкент шароитидагига қараганда Хоразм шароитида сув миқдорининг кунлик ўзгариш диапазони камроқ. Қашқарбеда баргларида транспирация жадаллигининг энг юқори кўрсаткичлари июлнинг ўрталарида, энг ками – май ойида кузатилган. Сув танқислигининг қийматлари ўсимликларни етиштириш шароитлари ва ривожланиш фазаларига боғлиқ ҳолда сезиларли ўзгаради.

Нуг ва кроталария баргларида сув миқдорининг юқори кўрсаткичи майда, энг ками – сентябрда қайд қилинган. Кроталария баргларида сув танқислигининг кунлик қиймати 9-15 % чегарасида, нуг баргларида – 11-16 % атрофида бўлади. Кроталария баргларида транспирация жадаллиги энг кўпи июнда, нугда – августда, ҳар иккаласида энг кам кўрсаткичи октябрда қайд қилинган. Нуг ва кроталарияда онтогенез давомида транспирация жадаллиги камайди, сув сақлаш хусусияти эса ошади. Нуг ва кроталария учун сув алмашинувининг лабил типни характерли, бу эса уларнинг юқори биологик маҳсулдорлигини таъминлайди.

Сув миқдори вегетация давомида хашаки нўхат баргларида камайган. Вегетация давомида хашаки нўхат барглари сув танқислиги 8,9-15,6 % чегарасида ўзгарган. Сув танқислигининг максимал қиймати дуккакларнинг пишиш даврида қайд қилинган.

Хашаки нўхатнинг ўрганилган навлари баргларида транспирациянинг жадаллиги кун давомида ва ўсимликларнинг вегетация фазалари бўйича фаркланади. Нўхатнинг ҳар иккала навларида сув буғланишининг кунлик диапазони май ойида – ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллигида энг юқори, сўнгра дуккакларнинг пишиши бошланиши даврида – кескин пасаяди.

Шундай қилиб, хашаки нўхат барқарор сув алмашинуви билан ажралиб туриши тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

1-жадвал

Қанд жўхорида сув танқислигининг кунлик ва мавсумий ўзгариши, (%)

Сана	Аниқланган соатлар			Кунлик ўртача	Кунлик диапазон
	9	13	18		
Сахарное-20 нави					
06.06	5,2±0,18	15,6±0,54	12,5±0,43	11,1±0,38	10,4±0,36
08.07	10,9±0,38	18,4±0,64	15,1±0,52	14,8±0,51	7,5±0,26
06.08	14,3±0,51	23,5±0,84	20,2±0,72	19,3±0,69	9,2±0,33
18.09	16,6±0,59	25,0±0,90	21,4±0,77	21,0±0,75	8,4±0,30
Оранжевое нави					
06.06	5,4±0,18	14,7±0,51	11,6±0,40	10,5±0,36	9,3±0,32
08.07	10,4±0,36	17,6±0,61	13,5±0,47	13,8±0,48	7,2±0,25
06.08	13,3±0,47	21,8±0,78	17,9±0,64	17,6±0,63	8,5±0,30
18.09	14,9±0,53	22,8±0,82	20,4±0,73	19,3±0,69	7,9±0,28

Қанд жўхорининг ўрганилган навларида сув алмашинуви ўсимликларда кун давомида сув миқдори анча ўзгариб туриши билан тавсифланади. Бундай шароитларда қолдиқ сув танқислиги эрталаб ва янада кўпроқ кун ўртасида кузатилади (1-жадвал).

Қанд жўхорининг ўрганилган навлари баргларидаги транспирация жадаллиги кун давомида ва вегетация фазалари бўйича ўзгаради. Жўхори баргларида транспирация жадаллигининг юқори қиймати ёз ойларида (июль-август) кузатилди. Жўхори ўсимликлари онтогенезининг эрта даврларида транспирация интенсивлиги нисбатан паст, жадал ўсиш пайтида (рўваклаш ва гуллаш фазаларида) кучаяди ва вегетация охирига келиб сезиларли даражада камаяди.

Ўрганилган навларда баргларидаги сув миқдорининг ўртача кунлик диапазонининг ўзгариши вегетация давомида 68,0-75,3 % чегарасида ўзгариб турди, ўсимликларни ривожланишига қараб камайди.

Ўрганилган соя навларининг баргларида сув танқислигининг минимал қиймати май ойида, энг юқори кўрсаткичлари эса июль ва августда қайд қилинди (2-жадвал).

Соё ўсимлигида сув танқислигининг кунлик ва мавсумий ўзгариши, (%)

Соё навлари ва сана		Аниқланган соатлар			Кунлик ўртача	Кунлик диапазон
		9	13	18		
Орзу	26.05	5,1±0,16	16,9±0,54	13,3±0,42	11,7±0,37	11,8±0,37
Фаворит		5,0±0,16	16,2±0,51	12,2±0,39	11,4±0,36	11,2±0,35
Сава		4,6±0,14	15,6±0,49	12,7±0,40	10,9±0,34	11,0±0,35
Орзу	25.06	6,4±0,21	18,7±0,61	13,0±0,42	12,7±0,41	12,3±0,40
Фаворит		6,1±0,20	19,2±0,63	14,6±0,48	13,3±0,43	13,1±0,43
Сава		6,6±0,21	18,8±0,62	15,5±0,51	13,6±0,44	12,2±0,40
Орзу	26.07	12,2±0,41	22,4±0,76	15,5±0,52	16,7±0,56	10,2±0,34
Фаворит		11,5±0,39	23,9±0,81	20,3±0,69	18,5±0,62	12,4±0,42
Сава		5,1±0,16	16,9±0,54	13,3±0,42	11,7±0,37	11,8±0,37
Сава	25.08	5,0±0,16	16,2±0,51	12,2±0,39	11,4±0,36	11,2±0,35

Соё барглари томонидан сувнинг транспирация жадаллиги навнинг хусусиятлари ва вегетация даврларига боғлиқлиги кўрсатилган. Соё ўсимликлари онтогенези давомида транспирация жадаллиги гуллаш фазаси ва дуккакларнинг шаклланишигача ортиб боради ва сўнгра камаяди.

Шундай қилиб, олинган натижалар асосида ўрганилган соё навларида ўсимликларнинг онтогенези давомида транспирация жадаллигининг ортиб бориши ва сув танқислигининг ошиши уларнинг сув алмашинуви лабиллиги билан тавсифланиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бу эса соёнинг муссон иқлими ўсимлиги деган фикрни тасдиқлайди.

Топинамбур баргларидаги сув миқдорининг юқорилиги билан тавсифланади, энг кўп сувга тўйинганлиги 2005-2006 йилларда июн ойида (83,6-85,1 %), энг ками – сентябрда (71,6-73,0 %) кузатилган. Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал базаси шароитида ўстирилган ўсимликларга қараганда ЎзМУ Ботаника боғи шароитида етиштирилган ўсимликларда сув миқдорининг нисбатан юқори кўрсаткичлари кузатилган.

Топинамбур баргларида транспирация жадаллигининг юқори кўрсаткичлари июль ва августда кузатилиб, яъни ривожланишнинг бошланғич фазаларида паст, гуллаш фазасига келиб кучаяди, сўнгра яна пасаяди.

Сув танқислиги вегетация давомида топинамбур баргларида 25,3 % дан 4,6 %гача ўзгариб турди. Сув танқислигининг максимал қиймати мевалаш даврига тўғри келади.

Шундай қилиб, топинамбур ўсимлиги сув режимининг мўътадил эканлиги билан тавсифланишини қайд қилиш мумкин.

Колумб ўти баргларида сув миқдорининг энг юқори кунлик ўртача қиймати ўғитларсиз вариантда гуллаш фазасида (77,5 %), энг паст кўрсаткич эса уруғларнинг тўлиқ пишиш фазасида (65,8 %) кузатилди. Ўғитларнинг қўлланилиши ўсимликлар томонидан сувдан фойдаланиш самарадорлигини

ошишига ёрдам беради. Кун давомида сув миқдори ўзгаришининг диапазони минерал ўғитлар берилган вариантларда камаяди.

Колумб ўти баргларида транспирация жадаллигининг кунлик амплитудаси ўғитларсиз етиштирилган вариантларда 393,6 мг/г.соат, мавсумийси эса 589,5 мг/г.соат ни ташкил қилди. Ҳар хил меъёрдаги ўғитлар берилган вариантларда транспирация жадаллиги маълум миқдорда камаяди.

Ўсимликларни минерал ўғитлар билан озиклантириш сув алмашинувида ижобий таъсир кўрсатади, сув танқислигини камайтиради.

Колумб ўти баргларида сув сақлаш хусусияти вегетация давомида назоратда 17,8-31,2 % чегарасида ва N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ вариантыда эса 13,4-24,6 % чегарасида ўзгариб турди (3-жадвал).

3-жадвал

Колумб ўти баргларида сув сақлаш хусусияти, (%)

Тажриба вариантлари	Вегетация даврлари					
	тупланиш	найчалаш	рўваклаш (бошоқлаш)	гуллаш	сутли пишиш	етилиш
Назорат (ўғитларсиз)	18,7±0,51	20,2±0,59	24,8±0,67	31,2±0,86	23,3±0,65	17,8±0,48
N ₁₀₀ P ₇₀ K ₅₀	14,2±0,41	16,7±0,47	19,4±0,56	27,3±0,75	21,8±0,60	15,3±0,45
N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	12,8±0,34	14,9±0,40	17,7±0,52	24,6±0,68	18,2±0,52	13,4±0,39
N ₃₀₀ P ₂₁₀ K ₁₅₀	13,5±0,39	15,4±0,41	16,3±0,48	25,1±0,71	19,8±0,55	14,9±0,42

Колумб ўти баргларида транспирациянинг кунлик диапазонининг юқорилиги сув алмашинувининг лабиллигини билдиради. Маълумки, сув алмашинувининг лабил тип биологик маҳсулдорлиги юқори ўсимликларга хосдир.

Тўртинчи бобнинг иккинчи бўлимида минерал ўғитларнинг интродуцентларни ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига таъсирининг натижалари келтирилган.

4-жадвал

Амарант ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсири

Тажриба вариантлари	Унув-чанлик, %	Поянинг баландлиги, см.			Гуллаши, %		Пишишнинг бошланиши, %	
		1.07	1.08	1.09	4.08	24.08	04.09	24.09
<i>Amaranthus cruentus</i>								
Ўғитларсиз	72	18,2±0,7	66,8±2,9	110,5±4,9	8	70	35	98
N ₁₅₀ P ₁₀₀ K ₁₀₀	80	25,1±1,0	119,5±5,1	150,6±6,7	10	76	42	100
N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₁₀₀	83	30,0±1,2	130,4±5,7	170,0±7,6	10	78	45	100
N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₁₅₀	84	32,5±1,3	140,5±6,1	175,2±7,8	12	80	46	100
<i>Amaranthus hybridus</i>								
Ўғитларсиз	67	23,4±0,9	108,0±4,7	170,5±7,6	6	54	15	50
N ₁₅₀ P ₁₀₀ K ₁₀₀	71	28,3±1,1	143,8±6,3	196,8±8,8	10	60	20	60
N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₁₀₀	78	35,1±1,4	157,5±6,9	220,4±9,9	12	65	22	71
N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₁₅₀	80	38,0±1,5	165,8±7,3	260,1±11,6	10	68	20	70

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиш суръати минерал ўғитларнинг меъёри билан боғлиқ бўлади. Бу ҳолат ўсимликлар ривожланишининг бошланғич босқичлариданоқ сезилади.

Озиқ моддаларнинг энг кўп ўзлаштирилиши гуллаш фазасида содир бўлди, чунки айнан шу даврда ўсимликлар қуруқ моддасининг максимал миқдори тўпланди. Шу билан ўсимликлар вегетацияси давомида ўғитларни бўлиб берилиши изоҳланади.

Минерал ўғитлар амарантнинг яшил масса ва уруғларидан юқори ҳосил олинишини таъминлайди. Бунда *A. hybridus* ҳосили *A. cruentus* дан кўпроқ (5-жадвал).

5 - жадвал

Амарант ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири

Тажриба вариантлари	Яшил масса, ц/га	Уруғлар, ц/га
<i>Amaranthus cruentus</i>		
Ўғитларсиз	370±17,2	11,4±0,4
N ₁₅₀ P ₁₀₀ K ₁₀₀	570±25,6	19,4±0,7
N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₁₀₀	680±31,2	22,7±0,9
N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₁₅₀	740±34,0	25,8±1,1
<i>Amaranthus hybridus</i>		
Ўғитларсиз	410±18,6	16,1±0,6
N ₁₅₀ P ₁₀₀ K ₁₀₀	680±30,7	27,0±1,1
N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₁₀₀	790±36,3	31,6±1,3
N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₁₅₀	860±39,5	32,3±1,3

Амарантнинг уруғлик экин майдонларини ўғитлашда азотли ўғитлар миқдорини икки-уч мартага камайтиради. Бу усул билан вегетацион даврни қисқартирилади ва амарант уруғларининг пишиши тезлаштирилади.


Минерал азотнинг дастлабки озгина миқдори (30-40 кг/га) ўсишнинг бошланғич фазаларида ўсимликнинг азотга бўлган эҳтиёжини қондиради, соя ўсимлигидаги симбиознинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди. Экишдан олдин азотнинг юқори миқдорини ишлатиш туганаклар ривожланишини сусайтиради.

Соя ўсимлигига минерал ўғитларнинг берилиши ўсимликларнинг баландлиги, баргларининг миқдори ва қуруқ модданинг массасига ижобий таъсир кўрсатди. Гуллаш ва дуккаклар ҳосил бўлиш фазаларида ўсимликларнинг баландлиги Хоразм шароитида Сава навида 9-19 см. га, Тошкент шароитида эса янада кўпроқ – 10-23 см. га ортди. Соянинг Фаворит нави ўсимликларининг баландлиги минерал ўғитлар таъсирида камроқ (шунга мувофиқ 8-16 см. ва 18 см.) бўлди. Минерал ўғитларнинг N₄₅P₆₀K₅₀ и N₄₅P₁₀₀K₅₀ вариантларида максимал кўрсаткичлар қайд қилинди.

Минерал ўғитлар сояни уруғ маҳсулдорлигининг кескин ортишига олиб келади. Соянинг Сава навида ўғитларсиз вариантда уруғ ҳосилдорлиги Хоразм шароитида 12,4 ц/га ни, Тошкент шароитида эса – 15,1 ц/га ни

ташқил қилди. $N_{30}P_{60}K_{50}$ вариантыда шунга мос равишда 27,8 ва 39,3 ц/га, $N_{45}P_{60}K_{50}$ вариантыда эса – 35,8 ва 38,1 ц/га бўлди (2-диаграмма).

ц/га



2-диаграмма. Соянинг Сава ва Фаворит навлари уруғ ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири

Тажрибанинг барча вариантларида Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал базаси шароитларида етиштирилган Колумб ўтининг баландлиги ЎзР ФА Ботаника боғи шароитидаги ўсимликларга қараганда ривожланишининг барча даврларида нисбатан паст бўлган, бу эса тупроқнинг шўрланиши ҳамда ҳавонинг нисбатан юқори ҳарорати билан боғлиқ бўлса керак.

6-жадвал

Турли шароитларда етиштирилган Колумб ўти яшил массасининг ҳосилдорлиги, (ц/га)

Тажриба вариантлари	Ҳосилдорлик			Ўртача ҳосилдорлик
	2009 й.	2010 й.	2011 й.	
Тошкент Ботаника боғи				
Ўғитсиз	1260,2	1220,5	1210,6	1230,4
$N_{100}P_{70}K_{50}$	1940,5	1916,1	1908,2	1921,6
$N_{200}P_{140}K_{100}$	2120,3	2086,6	2060,4	2089,1
$N_{300}P_{210}K_{150}$	2085,2	2002,7	1990,5	2026,1
Хоразм Маъмун академияси				
Ўғитсиз	1002,1	1006,5	998,8	1002,4
$N_{100}P_{70}K_{50}$	1420,2	1470,6	1418,6	1436,4
$N_{200}P_{140}K_{100}$	1690,6	1645,0	1586,8	1640,8
$N_{300}P_{210}K_{150}$	1586,4	1590,2	1495,5	1557,3

6-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, минерал ўғитлар Колумб ўти яшил массасининг ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда ўғитларнинг миқдорига боғлиқ равишда ўсимликлар яшил массасининг кўпайиши рўй беради. Энг катта ҳосилдорлик $N_{200}P_{140}K_{100}$ миқдориди кузатилади. Минерал ўғитлар миқдорини янада оширилиши Колумб ўти маҳсулдорлигининг ортишига олиб келмайди.

Олинган маълумотлардан равшанки, Колумб ўти минерал ўғитлар қўлланишига яхши жавоб беради ва яшил массаси вегетация фазалари бўйича сезиларли ўзгаради. Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитлари Колумб ўтидан рўваклаш фазаси охирида ва гуллаш фазасининг бошланғич босқичида уч марта ўриш орқали гектарига 1500-2000 центнер яшил масса олиш имконини беради.

Колумб ўти уруғларининг ҳосилдорлиги ҳам минерал ўғитларнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Ўғитларсиз тажриба эгатларида энг кам уруғ ҳосилдорлиги Хоразм шароитида – ўртача 19,0 ц/га ва Тошкент шароитида 20,4 ц/га олинди.

Ўғитлар берилганида уруғларнинг ўртача ҳосилдорлиги Хоразм шароитида 26,8 ц/га ва Тошкент шароитида 28,9 ц/га ни ташкил қилди. Яшил масса ва уруғдан барқарор ҳосил олишнинг кўрсатиб берилган имконияти Колумб ўтининг республикамиз шароитларида янада кенгроқ тарқалишига ёрдам беради.

Тўртинчи бобнинг учинчи бўлими юқори ҳосилдор ўсимликлар – амарант ва Колумб ўти фотосинтезининг соф маҳсулдорлигига (ФСМ) бағишланган. Олинган маълумотларга кўра, амарант икки тури (*Amaranthus cruentus* ва *A.hybridus*) нинг ФСМ кўрсаткичлари ўсимликларнинг ривожланиш фазалари бўйича фарқ қилган. ФСМ энг катта кўрсаткичлари $N_{200}P_{100}K_{100}$ вариантыда ўсимликларнинг ялпи гуллаш фазасида кузатилган. ФСМ энг кичик қийматлари амарантнинг иккала турида ҳам ўғитларсиз етиштирилган вариантыда қайд этилди. Минерал ўғитлар миқдорининг оширилиши амарант ўсимлигининг барг сатҳи ва фотосинтетик потенциалини оширди.

ФСМ энг кўп ошиши гуллаш фазасида кузатилади ва вегетация охирига келиб камаяди.

7-жадвал

Турли экологик шароитларда етиштирилган Колумб ўти фотосинтезининг соф маҳсулдорлиги, (г/м² сутка)

Тажриба вариантлари	Ўсимликларнинг ривожланиш фазалари					
	тупла-ниш	найчалаш	рўваклаш	гуллаш	сутли пишиш	тўлиқ пишиш
Тошкент Ботаника боғи						
Ўғитларсиз	5,32	9,21	10,62	11,10	7,58	5,92
$N_{100}P_{70}K_{50}$	5,91	10,56	10,99	12,06	8,32	7,25
$N_{200}P_{140}K_{100}$	6,33	11,43	12,65	14,57	10,90	8,76
$N_{300}P_{210}K_{150}$	6,27	11,16	12,20	13,90	10,60	7,81

Хоразм Маъмун академияси						
Ўғитларсиз	5,07	8,75	9,88	10,32	7,12	5,50
N ₁₀₀ P ₇₀ K ₅₀	5,68	10,03	10,01	11,21	7,81	6,74
N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	6,14	11,07	11,62	13,55	10,24	8,07
N ₃₀₀ P ₂₁₀ K ₁₅₀	6,08	10,62	11,07	12,82	9,95	7,12

7-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ФСМ катталиги Колумб ўтининг ривожланиш фазаларига кўра кучли фарқ қилган. Тупланиш фазасида ўғитларсиз вариантыда бу кўрсаткич суткасига 5,07-5,32 г/м²ни ташкил қилди. Рўваклаш ва гуллаш фазаларида ФСМ сезиларли ошди (суткасига мос равишда 10,62 ва 11,10 г/м²). Сўнгра Колумб ўти уруғларининг пишишига қараб у камайиб боради. Минерал ўғитлар ФСМ га сезиларли таъсир кўрсатди. Таъкидлаш зарурки, ўғитларнинг юқори миқдори ФСМ қийматининг камайишига олиб келади. Колумб ўти ФСМ нинг нисбатан кичик кўрсаткичлари Хоразм вилояти шароитида аниқланди. Шундай қилиб, юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитларнинг керакли миқдорини қўлланилиши ўсимликларнинг тупроқдан озикланишининг оптимал режимини таъминлайди ва самарали фотосинтетик фаолликка олиб келади.

Диссертациянинг **“Интродуцентлар биомассасини биокимёвий баҳолаш”** деб номланган бешинчи бобида ўрганилган ўсимликларнинг яшил масса ва уруғлари биокимёвий таркибининг таҳлили берилган.

Яшил масса ҳосилдорлиги ем-хашак экинини муайян етиштириш шароитлари учун қанчалар қимматлилигини белгилайдиган асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Таҳлиллар натижасида турлар орасида қуруқ модда, хом протеин, хом мой ва клетчатка, хом кул моддаларининг миқдорлари бўйича фарқлар аниқланди. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, амарантнинг ўрганилган турлари яшил массасининг биокимёвий таркиби ривожланиш фазаларига қараб ва етиштириш шароитларига боғлиқ равишда сезиларли ўзгаради (8-жадвал).

8-жадвал

Амарант яшил массасининг биокимёвий таркиби,
(қуруқ массага % ҳисобида)

Етиштирилган жой	Хом протеин	Хом мой	Хом клетчатка	АЭМ	Хом кул
<i>Amaranthus hybridus</i>					
ЎзМУ Ботаника боғи	19,4±0,6	2,3±0,7	23,4±0,8	49,2±1,7	5,7±0,2
Хоразм Маъмун академиясининг ЭБ	16,8±0,5	2,5±0,08	25,7±0,8	48,9±1,7	6,1±0,2
ҚҚДУ ТМ	15,7±0,5	2,4±0,07	26,3±0,9	49,3±1,8	6,3±0,3

<i>Amaranthus caudatus</i>					
ЎзМУ Ботаника боғи	16,8±0,5	2,4±0,07	26,1±0,9	48,2±1,7	6,5±0,3
Хоразм Маъмун академиясининг ЭБ	15,1±0,5	2,5±0,08	28,3±1,0	47,2±1,7	6,9±0,3
ҚҚДУ ТМ	14,7±0,4	2,6±0,08	29,0±1,1	46,6±1,6	7,1±0,4

Африка тариғи яшил массасининг биокимёвий таркиби ҳам ўсимликларни етиштириш шароитлари ва уларнинг ривожланиш фазаларига боғлиқ равишда ўзгаради. Хоразм Маъмун академияси экспериментал базасида етиштирилган африка тариғи яшил массаси таркибида хом протеин, хом клетчатка ва хом кулнинг миқдори ЎзР ФА Ботаника боғида етиштирилган африка тариғи биомассасига қараганда кўпроқ. Бунда хом мой ва азотсиз экстрафаол моддаларнинг миқдори, аксинча кам. Ўсимликларнинг вегетацияси давомида уларнинг ривожланишига қараб хом оқсил, АЭМ ва кул миқдори камаяди.

Оқ қашқарбеданинг сербарглилиги, яшил массаси ва уруғ ҳосилдорлиги тоза ўзи экилгандан кўра қоплам остида сезиларли кўп бўлиши аниқланди. Оқ қашқарбеда яшил массасининг умумий ҳосили уч ўримда 292-362 ц/га, уруғ маҳсулдорлиги эса – 1,8-3,4 ц/га ни ташкил қилди.

Биокимёвий таҳлил натижаларига кўра, вегетация давомида оқ қашқарбеда яшил массаси таркибида хом протеин миқдори 16,9-20,4 % , хом мой 3,3-3,7 % , хом клетчатка 22,1-26,3 % , АЭМ 35,6-39,2 % , хом кул 4,3-7,4 % орасида ўзгариб туради. Хоразм шароитида хом протеин, хом клетчатка ва кулнинг миқдори яшил массада кўпайиб, хом мой ва АЭМ миқдори эса камайиши кузатилди.

Нугнинг яшил массасида 7,8-12,0 % хом протеин, 2,4-3,2 % хом мой, 10,3-12,2 % қанд, 21,6-25,3 % хом клетчатка, 39,2-50,7 % АЭМ ва 9,1-12,3 % хом кул моддалари мавжудлиги аниқланди.

Таҳлил натижаларига кўра, икки турли шароитларда етиштирилган нуг яшил массасининг биокимёвий таркиби сезиларли фарқ қилади. Тупроқларнинг ўртача шўрланиши ва иқлим шароитларининг фарқ қилиши туфайли Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал базаси далаларида етиштирилган нугнинг яшил массаси таркибида Тошкент шароитида ўстирилган нугнинг яшил массасидан фарқли ўлароқ хом протеин, хом клетчатка ва кулнинг миқдори ортади. Яна шуни қайд этиш лозимки, *Guizotia abyssinica* яшил массасининг биокимёвий таркиби унинг ривожланиш фазалари бўйича ҳам фарқ қилади.

Хашаки нўхат яшил массасининг биокимёвий таркиби генотиби ва етиштириш шароитларига боғлиқ равишда ўзгариши аниқланган. ЎзМУ Ботаника боғида ўстирилган хашаки нўхатнинг биомассасига қараганда Қорақалпоқ Давлат университетининг тажриба далаларида етиштирилган хашаки нўхатнинг яшил массаси таркибида хом протеин, хом клетчатка ва

хом кулнинг миқдори кўпроқ эканлиги маълум бўлди. Аксинча, ЎзМУ Ботаника боғида етиштирилган хашаки нўхатнинг биомассаси таркибида хом мой ва АЭМ ларнинг миқдори кўпроқ. Аниқланган фарқлар етиштириш шароитларининг турли иқлим шароитлари ва тупроқ шўрланиши билан боғлиқдир.

ЎзР ФА Ботаника боғида етиштирилган кроталария яшил массаси таркибида ғунчалаш фазасида 10,39 % хом протеин, 3,74 % хом мой, 23,7 % хом клетчатка ва 14,8 % хом кул бўлади. Ўсимликларнинг гуллаш фазасида хом протеин ва мой, хом кулнинг миқдори камаяди.

Мевалаш фазасида хом протеин – 12,8 %, хом мой – 2,45 %, хом клетчатка – 26,3 %, АЭМ – 47,15 % ва хом кулнинг миқдори 11,3 % ни ташкил қилади. Турли хил шароитларда етиштирилган кроталария яшил массасининг биокимёвий таркибида фарқлар аниқланган.

Қанд жўхори барг-пояли массасининг биокимёвий таркиби ҳам нав хусусиятларига кўра, ҳам ўсимликларни етиштириш шароитларига кўра ўзгаради. Хоразм Маъмун академияси тажриба майдонида етиштирилган қанд жўхори яшил массаси таркибида хом протеин ва мой, хом клетчатка ва кул миқдори ЎзМУ Ботаника боғида ўстирилган қанд жўхори биомассасига қараганда кўпроқ, АЭМ миқдори эса аксинча, кам. Қанд жўхорининг ўрганилган навлари яшил массасининг биокимёвий таркибидаги аниқланган фарқлар тажриба майдонининг тупроқлари шўрланганлиги ва ерости сувларининг саёз жойлашганлиги билан изоҳланади.

Дуккакларнинг пишиш фазасида соянинг ўрганилган навлари яшил массаси таркибидаги озиқ моддалар нав хусусиятларига ҳам, етиштирилган ҳудуднинг шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Хом протеиннинг миқдори Сава навида кўпроқ, хом клетчатка ва АЭМ аксинча, Орзу навида кўпроқ бўлади. Соядан тайёрланган емнинг озуқавийлик қиймати ўсимликларнинг ёшига ҳам ва етиштириш шароитларига ҳам кучли боғлиқ бўлади. Соянинг ёш яшил массаси таркибида хом протеиннинг миқдори кўп ва хом клетчатканинг миқдори эса кам бўлади. Пастки баргларнинг қурий бошлаши билан ўсимликларда протеиннинг миқдори сезиларли равишда камаяди, АЭМ миқдори эса ошади.

Топинамбур яшил массаси ва туганакларининг кимёвий таркиби ҳамда озуқавийлиги яшил массанинг ем учун ўриш муддатларига, ўсимликларни етиштириш шароитлари, туганакларни қиш мобайнида сақланиш шароитлари ва ҳ. ларга боғлиқ бўлишини кузатилди. Ўсимликларнинг онтогенези давомида яшил массаси таркибида қуруқ моддага нисбатан ҳисоблаганда хом протеиннинг миқдори 15 % дан 6 % гача камаяди, клетчатканинг миқдори 14 % дан 32 % гача ортади, хом мой миқдори 3,6 % дан 2,3 % гача камаяди.

Шундай қилиб, онтогенез мобайнида ўрганилган ўсимликлар яшил массасининг биокимёвий таркиби генотип ва етиштириш шароитларига боғлиқ равишда муҳим ўзгаришларга учрайди.

Ўсимликларни етиштиришнинг асосий мақсади инсон учун озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳайвонлар учун ем-хашак ва саноат учун хом-ашё маҳсулотини олишдир. Бунда асосий эътибор юқори сифатли энг кўп ҳосил

олишга қаратилади. Ноанъанавий ўсимликларни кўниктириш жараёнида уларнинг биокимёвий хусусиятлари аҳамиятини билиш ҳам муҳимдир.

9-жадвал

Иккита экологик шароитларда етиштирилган амарантнинг ҳар хил турлари уруғларининг биокимёвий таркиби, (қуруқ моддага % ҳисобида)

Амарант турлари	Хом протеин	Хом ёғ	Крахмал	Хом клетчатка	АЭМ	Хом кул
Хоразм						
<i>Amaranthus caudatus</i>	16,3±0,60	5,8±0,17	60,4±2,29	4,2±0,12	9,5±0,28	3,8±0,11
<i>A. cruentus</i>	15,7±0,55	5,2±0,15	60,9±2,31	4,4±0,13	9,8±0,31	4,0±0,12
<i>A. edulis</i>	17,2±0,60	7,0±0,21	61,3±2,36	3,6±0,11	7,1±0,23	3,8±0,11
<i>A. hybridus</i>	17,5±0,61	6,9±0,20	62,1±2,36	3,3±0,10	6,4±0,20	3,8±0,11
<i>A. paniculatus</i>	15,9±0,55	7,2±0,21	64,2±2,44	3,1±0,09	6,0±0,19	3,6±0,10
Тошкент						
<i>Amaranthus caudatus</i>	15,8±0,55	5,9±0,18	61,6±2,34	3,7±0,11	9,5±0,30	3,5±0,10
<i>A. cruentus</i>	14,9±0,52	5,4±0,16	62,2±2,36	3,9±0,11	9,9±0,31	3,7±0,11
<i>A. edulis</i>	16,1±0,56	7,2±0,21	62,6±2,37	3,2±0,10	7,5±0,24	3,4±0,10
<i>A. hybridus</i>	16,4±0,57	7,1±0,21	63,5±2,41	3,0±0,09	6,6±0,21	3,4±0,10
<i>A. paniculatus</i>	15,1±0,53	7,4±0,22	65,0±2,47	2,9±0,08	6,3±0,20	3,3±0,10

Амарант уруғларида таркибига кўра ноёб бўлган оксил, заррачаларининг ўлчами 1 мкм. дан кичик бўлган крахмал, юқори тўйинмаган мой, унинг таркибида эса 8 % гача сквален, витаминлар, каротиноидлар, пектин ва бошқа биологик фаол моддалар учрайди. Икки хил экологик шароитларда етиштирилган амарантнинг ҳар хил турлари уруғларининг биокимёвий таркиби 9-жадвалда келтирилган.

Асосий компонентлар таркибида фарқлар аниқланган. Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал базасида етиштирилган амарантнинг ўрганилган барча турлари уруғларида хом протеин, хом клетчатка ва кулнинг миқдори ЎЗР ФА Ботаника боғида ўстирилган амарант уруғларига қараганда кўп бўлди. Хом ёғ ва крахмал, АЭМ эса аксинча, анчайин юмшоқ экологик шароитларда (ЎЗР ФА Ботаника боғи) етиштирилган амарант уруғларида кўп бўлди. Хом протеиннинг энг кўп миқдори *A. edulis* ва *A. hybridus* турларида қайд этилди. Хом ёғнинг энг кўп миқдори *A. paniculatus*, *A. edulis*, *A. hybridus* турларида, крахмалнинг нисбатан юқори миқдори *A. paniculatus* турида қайд қилинди.

Амарант уруғларидаги мойнинг миқдори абсолют қуруқ массадан 4,8-7,3% гачани ташкил қилади. Амарант мойининг ноёблиги унинг камида уч компонент: сквален (8% гача), тўйинмаган ёғ кислоталарнинг катта миқдори (80% гача) ва токоферол мавжудлигидадир.

